



# O'ZBEKISTON

f UZBUNYODKOR  
 x UZBUNYODKOR  
 uzbunyodkori@mail.ru

# BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIIY-IQTISODIIY GAZETA

№62 (207) 2018 йил 7 август, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 август куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йил июнь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар амалий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Фармацевтика ва тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга бўлажак давлат ташрифи Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги кўп асрлик азалий дўстлик ришталарига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаш, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори

босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ташқи ишлар вазири Сушма Свараж давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд ва Бош вазир Нарендра Модининг саломи ва эзгу тилаklarини этказди.

Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистонда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Ҳиндистон мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак қадрлаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Сушма Свараж Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш борасидаги ҳаракатлари қатъий эканини таъкидлади.

Ў.А.



## Замонавий қурилма ишга тушди у темир йўл вагонларини сканер қилади

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг «Чукурсой техника идора» чегара божхона постида темир йўл вагонларини сканер қилувчи замонавий инспекцион-кўрик мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси масъуллари, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллод ва мухтор элчиси, соҳа ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар асосида божхона органлари фаолияти ҳамда божхона маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, тадбиркорликни фол ва жадал ривожлантириш учун қўлай шароит яратишга алоҳида эътибор берилган таъкидланди.

Катта ҳажмдаги сканер қурилмаси билан жиҳозланган мазкур мажмуа Президентнинг 2018 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси

доирасида Хитой Халқ Республикасининг грант маблағлари ҳисобидан барпо этилди.

Бугунги кунда юртимиз сарҳадларидаги бир қатор темир йўл чегара божхона постлари ҳамда ташқи иқтисодий фаолият божхона постида бу каби инспекцион-кўрик мажмуаларидан самарали фойдаланилмоқда.

Тадбирда иштирокчилар «Чукурсой» темир йўл станциясидаги инспекцион-кўрик мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишди. Мутахассислар томонидан йирик ҳажмли сканерлаш қурилмасининг ишлаш тартиби бўйича маълумот берилди.

Эндиликда замонавий сканер қурилмаси ёрдамида темир йўл вагонидagi юкни текширишга ортқча вақт сарфланмайдиган бўлди, дейди Давлат божхона кўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бўлим бошлиғи Ж. Исломов. – Илгари бу жараён кўп вақтни олар эди. Инспекцион-кўрик

мажмуасида вагонни очмай туриб ҳам текшириш ҳамда товар-юк кузатув ҳужжатларини икки-уч дақиқада солиштириш имкони пайдо бўлди.

Махсус рентген нурлари ёрдамида вагонларни сканердан ўтказувчи қурилма маҳсулотларнинг хусусияти ва сифатига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Инспекцион-кўрик мажмуасини самарали қўллашдан мақсад нафақат контрафакт маҳсулотлар ёки контрабанданинг олдини олиш, балки хавфни бошқариш орқали божхона назорати самарадорлигини ошириш, божхона тартибларини соддалаштириб, экспорт ва импорт жараёнларини янада тезлаштиришдан иборатдир.

Тадбирда божхона хизмати органларида фойдаланилаётган назорат техник воситаларининг кўргазмаси ташкил этилди.

А. МУСАЕВ,  
 Ў.А. мухбири

## Ишонч ва масъулият янада самарали меҳнат қилишга ундайди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Сурхондарё вилоятида илғор фермерлар, тўрт сектор ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ўтказди.

Музработ туманида бўлиб ўтган тадбирда сенаторлар, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, Ангор, Термиз ва Музработ туманлари секторлари раҳбарлари, илғор фермерлар, нурунийлар иштирок этди.

Учрашувда Президентимиз раислигида 31 июль куни ғўза ривожини жадаллаштириш, галла ўрмидан бўшлаган майдонларга такрорий экин экиш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун яратилаётган шароитлар, ғўза ривожини ва уни парваришлашда йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида атрафлича сўз юритилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда

бой тажрибага эга воҳанинг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинди.

Йилнинг ўтган даврида воҳа сановатида 37, қишлоқ хўжалигида 30, хизмат кўрсатиш тармоқларида 77 янги лойиҳа ўзлаштирилди. 81 миллион доллар қийматидаги маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Айни пайтда вилоятда мавжуд тўртта йирик енгил саноат корхонаси етиштирилаётган хомашенинг 20 фоизини қайта ишламоқда. Жорий йилда яна тўртта замонавий енгил саноат ва тўқимачилик корхонасини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Бу борадаги дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши келгусида етиштирилаётган хомашенинг 81 фоизини худуднинг ўзида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида хорিজга чиқариш имкониятини кенгайтиради.

(Давоми 3-бетда)

## «Ишонч» обод бўлмоқда, аммо...

Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Ишонч ва Чортоқ маҳаллаларида «Обод қишлоқ» дастури доирасида 19 миллиард 800 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган.

Ишонч маҳалласида 1 та умумтаълим мактаби, вилоят ихтисослашган болалар-ўсмирлар от спорти мактаби, қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Шунингдек, 26 фермер хўжалиги, 7 яқна тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда. Маҳалладаги мактабгача таълим муассасаси кўп йиллар аввал ёпилган.

«Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини Гулистон туманининг шимоли-шарқидagi чекка қишлоқ бўлиб, вилоят марказига яқин ҳудудда жойлашган. Бу ердаги 355 хонадонда 1 минг 800 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Вилоят марказига шу қадар яқин бўлса-да, қишлоқ аҳоли табиий газ ва ичимлик суви етишмаслигидан бир неча йиллардан буён азият чекиб келади.

Фермерлар даласига ўтган ариқдан қишлоқ четидagi икки кўчада жойлашган аҳоли томорқаси сув ичар экан. Аммо ундан мавсумга қараб, фермер хўжалиқларига сув зарурати унчалик туғилмаган пайтда фойдаланиш мумкин.

Туман ҳокими бошчилигида мутахассислар келиб аҳоли томорқасига оқар сув келтириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқди, дейди маҳалла фаоли Баҳодир Тўйчиев. – Чизмалар чизилиб, керакли маълумотлар ёзилди, «Йўл харитаси»га киритилди. Оқар сув лотокда олиб келинади, дейиши. Тўғри, дастурда кўрсатилган ишлар амалга оширилмоқда. Аммо

оқар сув бўйича ўша чизмалардан бошқа бирор иш қилинганча йўқ. Еримиз иссиқ кунлари чекинмай оқар сув келганида эди аҳоли томорқасига тўқсонбости экинлар экиб, қанча одам ишли бўлар, оилавий даромад кўпайган бўларди.

(Давоми 4-бетда)

**Ўзбекско-Российское СП ООО «ARTIKUL AZIYA KABEL»**  
 предлагает высококачественную  
**КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ**  
 собственного производства:

кабели силовые АBBГ, ВВГ, АВББШв, ВББШв;  
 кабели силовые с негорючим пластиком АBBГ нг(А), ВВГ нг(А), АВББШв нг(А), ВББШв нг(А);  
 провода бытовые ПУГНП, ПУН, АПУН, АЛУНП, ПУНП, ППН, АППН;  
 структурированный высокочастотный кабель КСВВБ 5е (U/UTP), КСВПП 5е (U/UTP), КСВППЭ 5е (F/UTP);  
 провода установочные гибкие ПВЗ, ПУГНП, ПВС;  
 провода изолированные СИП-1А, СИП-2А, СИП-4А;  
 провода неизолированные для ВЛЭ;  
 провода установочные ВПП, ВВП;  
 провода водопогружные ВПП, ВВП;  
 провода обмоточные ПВДП, ПВДП;  
 провода эмалированные ПЭТ-155, ПЭТВ-2.

**ГАРАНТИЯ КАЧЕСТВА  
 БОЛЕЕ 30 ЛЕТ**

Приглашаем к сотрудничеству  
 дилеров и оптовых покупателей.

Г. Ташкент, Сергеевский район, Южная промзона.  
 Тел.: +99871 257 82 68, 257 43 44.  
 Тел./факс: +99871 257 41 81.

Гибкие цены  
 www.artikul-kabel.uz  
 e-mail: aak.uz@bk.ru  
 Товары сертифицированы.

Производство для систем вентиляции ISO  
 и кондиционирования воздуха 9001:2015

ПКП ООО «JIHOZ-VENTILYATSIYA»  
 e-mail: jhoz-vent@mail.ru сайт: www.jhoz-vent.uz  
 тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68  
 Товары сертифицированы.

**DORSA®**  
**PO'LAT  
 ESHIKLARI**

+998 99  
**595 55 55**

www.dorsa.uz  
 info@dorsa.uz

ХК "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

# 2 ҚУТЛОВЛАР



Юртимиз равнақи ҳамда гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларингизда куч-қувват, улкан зафарлар тилаймиз!



## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*юртимиз ободлиги йўлида ўзларининг  
муносиб ҳиссаларини қўшаётган  
барча қурувчи ва меъморларни  
Ўзбекистон Республикаси  
қурилиш соҳаси ходимлари куни  
билан самимий муборакбод этади.*

*Юртимиз равнақи ҳамда гуллаб-яшнаши  
йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларингизда  
куч-қувват, улкан зафарлар тилаймиз!*



## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*қурилиш соҳаси ходимларини  
касб байрамлари билан самимий қутлайди.  
Чирой очиб бораётган диёримизнинг  
бундан-да равнақ топиши йўлида  
меҳнатсевар халқимизга тани сиҳатлик ва  
куч-қувват тилаймиз.  
Барчангизга бахт ва омад ёр бўлсин!*



**АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан эътиборан ҳар йили август ойининг биринчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кўни сифатида кенг нишонланмоқда.

### Ишонч ва масъулият янада самарали меҳнат қилишга ундайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилда вилоятда пилла ва дон етиштириш режаси ортиги билан бажарилиди. Мева-сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат экинларидан салмоқли ҳосил териб-йиғиб олинаётди. Ҳалдан бўшаган майдонларнинг бир қисмида тақрорий экин парваришланмоқда.

Вилоятда 3 минг 48 фермер хўжалиги 78 минг 500 гектардан ортиқ майдонда маҳаллий иқлимга мос, тезпишар ва серҳосил ўза навларини парваришламоқда. Бу йил қиш ва баҳор фаслининг мўътадил, ёзнинг меъёридан ортиқ иссиқ келгани воҳа деҳқонларидан тажрибали пахтакорлар маслаҳати асосида иш юритишни, сувни тежаб, оқилона сарфлашни талаб этмоқда. Барча дала юмушлари шу асосда ташкил этилиб, ўза ниҳоллари бир текис ундириб олинди. Тажрибали деҳқонлар ва мутахассислар тавсияси асосида ниҳоллар парваришига эътибор кучайтирилиб, чопиқ, яғна, культивация, шарбат усулида сўғориш ва бошқа агротехник тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилди.

Мамлакатимиз аграр тармоғини янги босқичда юксалтиришга қаратилган эътибор соҳада туб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Бундай янгиланишлар самараси Сурхондарё вилоятида ҳам кенг намоён бўлаётди. Жумладан, сув тақчиллиги сезилган йилнинг ўтган даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув иншоотларини тозалаш, таъмирлаш ва бошқа ишлар учун 178 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу йил мартта сув насосларидан фойдаланган ҳолда экин майдонларини суғорадиган фермерларнинг электр энергияси харажатларини қоплаб бериш тартиби жорий этилди. Минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш



материаллари учун йил бошида белгиланган нархларни барқарор ушлаб туриш йўлга қўйилди. Дон ва пахта харид нархининг кескин оширилгани ҳам фермерларнинг янада кўпроқ меҳнат қилишга қизиқиши ва рағбатини оширди.

Бироқ, учрашувда таъкидландики, айрим ҳудудларда шароит ва имтиёзлардан самарали фойдаланилмаётгани, баъзи мутасаддилар ва фермерлар масъулиятни сезмаётгани сув тақчил йилда пахта ҳосилдорлигини пасайтириш хавфини юзага келтирмоқда. Таҳлилларга кўра, фермер хўжаликлари бир қатор қўлайликларга эга 141 комплекта эгилувчан пластмасса қувурлардан тўғри фойдаланмаган. Оқибатда сувни зовурларга ташлаб қўйиш, қўлатиб сўғориш каби нохуш ҳолатларга дуч келинмоқда. Масалан, жойларда 49 та қўлатиб сўғориш, 101 та сувни зовурларга ташлаб, исрофгарчиликка йўл қўйиш, 64 та сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳо-

дават томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Об-ҳаво инжиқ келган бу йилги мавсумда ҳам ҳосилдорликни пасайтирмаслик учун катта ишонч билдирилётгани зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. 330 гектар пахта майдонимиз 10 мартадан зиёд культивация қилинди. Ниҳолларни чилпишга алоҳида эътибор қаратилиб, шарбат усулида тунда сўғормоқдамиз. Шу кунларда 16 нафар сувчи тўртинчи сувни бермоқда. Ҳар туп ниҳолда 5-21 тадан қўлак бор. Мазкур учрашувда ютуқ ва йўл қўйилган камчиликларнинг рўй-рост таҳлил қилиниб, ҳосилдорликни ошириш бўйича қимматли тавсиялар берилгани, Президентимиз номидан совғалар улашилгани бизни янада руҳлантирди.

Шеробод туманида Қизириқ ва Шеробод туманлари, Деновда Ўзун, Олтинсой, Саросиё ва Денов туманлари, Жарқўрғонда Шўрчи, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманлари фермерлари, секторлар ва қишлоқ хўжалиги қорхоналари раҳбарлари, нурунийлар билан ҳам ана шундай тадбирлар ташкил этилиб, ютуқ ва муаммолар, ўза парваришида эълон қилинган зарбдор қирқ кунлик юқори савияда вазифалар ижроси чўқур таҳлил қилинди. Секторлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Агротехник тадбирларни сўйаттирмаслик ва ҳосилга ҳосил қўйиш бўйича мўҳим тавсиялар берилди.

Тадбирларда 150 дан ортиқ илғор фермер ва қишлоқ хўжалиги ходимларига Президентимиз номидан совғалар топирилиди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Ўза мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### Жиззах вилоятининг Зомин тумани марказий қисмида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Жиззах вилоятининг Зомин тумани марказий қисми батафсил режалаштириш лойиҳасини амалга ошириш орқали туманининг архитектура қиёфасини тубдан ўзгариштириш, аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жиззах вилоятининг Зомин тумани марказий қисми батафсил режалаштириш лойиҳасининг умумий концепцияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқуллангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. «ЎшаҳарқозонЛИТИ» ДУК томонидан ишлаб чиқилган Зомин тумани Абдураҳим Сатторов кўчасининг жанабуий қисмида 1-босқичда қурилиш режалаштирилган, энергияни тежайдиган технологиялар асосида ишлаб чиқилган «Зомин» (арзон) уй-жой комплексининг индивидуал лойиҳаси маъқуллансин ва лойиҳанинг кейинги босқичлари учун асос қилиб олинсин.

3. Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ипотэка-банк» АТИБ, «Ўшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралар уйлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори доирасида 2018 йилда Зомин туманида қурилиш режалаштирилган 5 та кўп квартиралар уй (225 та квартира) ўрнига янги типдаги лойиҳа асосида маийши-савдо объектлари бўлган 11 та кўп квартиралар уйдан (137 та квартира) иборат «Зомин» (арзон) уй-жой комплекси қурилишини таъминлансин.

4. Қуйидагилар: ташки муҳандислик коммуникацияларини қуриш бўйича, тегишлилигига кўра – вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар буюртмачи этиб;

5. Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2019 йилларда Жиззах вилоятининг Зомин туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 11 ноябрдаги 902-сон қарорига асосан ичимлик суви ва канализация тармоқлари қуриш бўйича «Ўзбек-коммуналлоиҳақурилиш» ДУК бош лойиҳачи этиб, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги буюртмачи этиб, «Жиззах трест 21» МЧЖ бош пудратчи этиб белгилансин.

6. «Ўшаҳар қурилиш инвест» ИК МЧЖга «Зомин» (арзон) уй-жой комплексининг индивидуал лойиҳасида назарда тутилмаган харажатларни кўп қаватли уйлар таркибида қуриладиган маийши-савдо объектлари таннаригига йўналтиришга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан: туман марказида режалаштирилган ичимлик ва оқова суви иншоотлари ҳамда тармоқлари қурилиши учун тегишли маблағлар буюртмачиларнинг асосланган ҳисоб-китобла-

рига мувофиқ тегишли микдордаги маблағлар ажратилишини;

арзонлаштирилган кўп қаватли уй-жойлар ҳудудида болалар ўйин майдончалари ободонлаштириш, кўкчаларлаштириш ва сўғориш тизимлари, замонавий типдаги пиёдалар йўлакларини, соябон элементлари (галерея) қуриш учун зарур маблағлар жорий йилда ажратилишини;

Зомин марказий стадионини тубдан реконструкция қилишга сарфланадиган маблағлар буюртмачиларнинг асосланган ҳисоб-китобларига асосан ажратилишини таъминласин.

Жиззах вилояти ҳокимлиги Зомин туманининг Даштотоб шаҳарчасида фуқароларга тегишли бўлган 23 та нотураж жой объекти бузилганлиги учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобида компенсация тўлиқлигини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги 1-босқичдаги оқова суви иншооти ва коллекторларнинг қурилиш-монтаж ишлари 2018 йил 1 декабрда яқунлашганини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда:

янгиланган лойиҳалар асосида ишлаб чиқилган «Зомин» (арзон) уй-жой комплекси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича берилган давлат экспертиза хулосасига асосан қўшимча қурилиш-монтаж ишлари учун зарур маблағларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори билан белгиланган тартиб асосида;

Зомин тумани марказий қисми батафсил режалаштириш лойиҳасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3507-сон қарорига шаҳарқозон ҳужжатлари ишлаб чиқилишини молиялаштириш мақсадлари учун белгиланган манбалар ҳисобидан маблағ ажратилишини таъминласин.

9. Зомин тумани ҳудудида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини қисқа муддатларда амалга ошириш мақсадида барча объектлар бўйича истисно тартибиде:

қурилиш ишлари 2018 йилнинг охирига қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда олиб борилишига;

бош лойиҳачи ва бош пудратчилар танлов савдолари (тендер) ўтказилмасдан, уларнинг энг мақбул тақлифлари асосида танлаб олиш йўли билан белгиланишига рухсат берилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А. Ж. Раматов ва Жиззах вилояти ҳокими Э. А. Солиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 июль, 602-сон.



### КНАУФ празнует День строителя в Узбекистане

В этом году традиционно компания КНАУФ организовывает празднования в честь Дня работников сферы строительства во всех регионах Узбекистана. Развлекательные мероприятия пройдут в двенадцати городах республики с 6 по 12 августа 2018 года.

Два брендированных грузовых автомобиля за неделю проедут с праздничной программой все административные центры нашей страны. Жителей регионов ждут мастер-классы по танцам, выступления фокусников и конкурсы с памятным призами.

В Ташкенте празднование Дня строителя пройдет под слоганом: «Ремонт как искусство». 12 августа компания КНАУФ оформит креативные фотозоны в трех торговых центрах столицы: Samarqand Darvoza, Next, Parus. На один день для жителей Ташкента будут созданы самобытные картины известного узбекского художника Бобура Исмаилова, которые оживут буквально на глазах у зрителей. Причудливые персонажи сойдут с холстов, чтобы погрузить участников действия в живописные композиции восточных шедевров. Транслированием картин в формат больших фотозон с разрешения мастера займется талантливая художница Надежда Риксиева, известная любителям настенной росписи как Норе Rixieva.

Любителей творческих занятий КНАУФ приглашает принять участие в тематических мастер-классах в парках «Анхор-Локомотив», «Локомотив», Central Park и «Экопарк». Посетители смогут сделать и взять на память поделки из гипсокартона и расписать гипсовые фигурки. Желанием почувствовать себя настоящими мастерами будет предложено самостоятельно прикрепить шурупвертом гипсокартонные элементы к перегородке.

«Умелые мастера во все времена ценились обществом. Человек проводит большую часть жизни в помещениях: в домах, офисах, магазинах и хочет видеть вокруг себя крепкие стены и качественную отделку, – говорится в поздравлении работникам сферы строительства генерального директора предприятия КНАУФ в Узбекистане Дмитрий Дерипалко. – КНАУФ понимает, что конечный результат определяют профессионализм, знания и умения людей, вовлеченных в ремонтные работы. Поэтому мы целенаправленно инвестируем в обучение строителей и поддерживаем молодых специалистов. Сертификат наших учебных центров уже получили более 6 000 человек. Уважаемые строители, позвольте поздравить вас с нашим профессиональным праздником! Мы гордимся тем, что вы доверяете материалам КНАУФ и активно поддерживаете образовательные программы компании. Пусть в ваших семьях всегда царят мир, согласие и благосостояние.»

Наш корр.

### Муносабат

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан эътиборан ҳар йили август ойининг биринчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кўни сифатида кенг нишонланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 августда қабул қилинган «Мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ, мамлакатимиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш, минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, халқаро стандарт ва талабларга мос янги темир йўллари барпо этиш, тармоқнинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини юксалтириш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун соҳа вакилларининг бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

### Ёшларга ўрнак бўлаётган мутахассис

Улар қаторида «Боштранслоиҳа» акциядорлик жамиятининг темир йўллари лойиҳалар бўлими лойиҳалар бош муҳандиси Эдуард Кан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Меҳнат фаолиятини 1979 йили Новосибирск геодезия, аэрофото-съемка ва картография муҳандислари институтини битирганидан сўнг «Ташгипротранс» – ҳозирги «Боштранслоиҳа» лойиҳа институтида бўлим муҳандиси сифатида бошлаган Э. Кан салкам қирқ йиллик иш фаолиятининг 21 йили мазкур ташкилотда ўтказди.

Таъкидлаш жоиз, «Боштранслоиҳа» АЖ темир йўллари қурилишига оид изланиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тизим йўллари электрлаштириш ва сигналлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ихтисослашган. Ўтган давр мобайнида институт томонидан бир қатор йирик лойиҳалар, жумладан, Қарши – Термиз, Мароқанд – Қарши темир йўллари электрлаштириш, Самарқанд – Қарши темир йўл линиясида юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездини ташкил этиш каби йирик лойиҳалар ишлаб чиқилди. Айтиш мумкин лойиҳа ташкилоти Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги «Тошкент шаҳрида икки йўллик электрлаштирилган тезорат темир йўлини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ишлар олиб бормоқда. Э. Кан мамлакатимиз темир йўл тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, жумладан, юқорида тилга олинган объекларда лойиҳалар бош муҳандиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.



– Ўзим шу соҳага энди кириб келганимда кўплаб устозлардан сабоқ олганман, – дейди у. – Шунинг учун ўтган давр мобайнида маслаҳат сўраб келган ёшларга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Айтиш мумкин шогирдларимнинг 12 нафари мутахассис сифатида темир йўл соҳаси қорхона ва ташкилотларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган йили мамлакатимизда темир йўл транспорти ходимлари кўни касб байрами сифатида нишонланиши бўйича Юртбошимизнинг фармони қабул қилинган соҳанинг минглаб вакиллари қатори мени ҳам жуда мамнун этган эди. Бу йил хурсандчилигим икки қарра ортди. Камтарона хизматларим юқори баҳоланиб, давлат мукофоти га лойиҳа қўрилган эканман, келгусида менга билдирилган ишонч оқлашга, янада кўпроқ меҳнат қилиб, юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшишга ваъда бераман.



### Жамоамизга берилган эътибор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 августда қабул қилинган «Мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ «Кўприк қурилиш трести» унитар қорхонасининг 67-кўприк қуриш отряди бошлиғи Ойбек Туляганов ҳам бор. У «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

– Давлатимизнинг юксак мукофоти га сазовор бўлганимдан беҳад хурсандман, – дейди О. Туляганов. – Иш фаолиятимнинг 20 йилдан ортиғи шу соҳада меҳнат қилиш билан ўтаётган бўлса, ушбу давр мобайнида мамлакатимиздаги кўплаб қурилиш объектларида амалга оширилган ишларда иштирок этдим. Айниқса, «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўли қурилишидаги иштирокимиз бизга улкан тажриба, бир олам таассуротлар туҳфа этди. Ҳар бир қўлга киритилган натижа бутун жамоаники деб биламан.

Менга насиб этган «Дўстлик» ордени ҳам, энг аввало, 67-кўприк қуриш отрядининг 1 200 кишидан ортиқ ишчи-ходим, бизга тўғри таълим берган

устозларимиз ва ҳамкасбларимизники ҳам деб ҳисоблайман. Бизнинг ишда ёлғиз ҳолда бирор нимага эришиб бўлмайти. Барча ишни жамоамиз билан аҳилик, бирдамлик асосида бажарамиз. Ишонманки, бизнинг соҳада эришилаётган ютуқлар ҳали олдинда. Сабаби, Президентимизнинг эътибор ва қўллаб-қувватлаши билан тизимдаги ходимларимиз кўплаб хорижий давлатларда малака ошириб, энг замонавий техникалардан фойдаланиш сирларини ўрганиб қайтмоқдалар. Лойиҳа институти лойиҳаларни янада кўркам ва ҳунармандона равишда амалга оширишга қўшимча малакасини мунтазам равишда ошириб бориш мақсадида, ҳар ойда икки марта ўқув-семинарлар ўтказиб боришмоқда. Демак, келгусида юртимиз қўриқига кўрқ қўшушчи, халқимизга янада улкан қўлайликлари билан хизмат қилувчи кўприк ва бошқа иншоотлар қурилади.

Суратда: О. Туляганов (ўртада) қурилиш объектида. Ўз мухбирларимиз.

# 4

## АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Сойбўйи қишлоғида 33-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.



# Нурли манзиллари бор Қашқадарёнинг ёхуд офтоби чақнаётган жанубий воҳа

■ Иброҳим ота эрта уйғониб, таҳоратини олди-да, ҳовлида куймаланиб юрган кампирининг қошига борди. Бироз ўйланиб тургач, набираларини соғингани, бугун улар тушига кирганини айтди. Норгул момо кўзиларига ўт юлаётган эди. Бир зум ишидан тўхтаб, чолига синчков разм солди.

— Борадиган бўлсак, кун қизмасдан йўлга чиқайлик, мен ҳам набираларимни кўргим келиб юрганди, — дея ўлларини кўрадаги кўзиларга бе-риш учун илдам юриб кетди. Бироздан сўнг чол-камбир оғир тугунни кўтариб йўлга отланди. «Дамас»да кетишар экан, кафтек теп-текис, равон йўллар, бир-биридан шинма уй-жойларни кўриб, Иброҳим ота ичида «Оллоҳга шукр» деб кўйди. Кайфияти кўтарилди. Анчадан бери шаҳарга чиқмаганди. Шунча ўзга-ринг бўлибди-я, деб ичида қувониб кўйди. Унинг юзидagi табассумни кўриб, кампири ҳам жилмайди.

— Чол, қаранг, катта-катта иморатлар қад ростлабди, бир вақтлар шу ерда ҳеч вақо йўқ эди-я, — дея ҳайратини яшира олмади Норгул момо.

— Бу ободликни кўриб, яшагинг келар-верар экан-эй, қара бу ёққа, Қарши эмас, телевизорда айтилганидек, «Қарши-сити» бўлиб кетибди.

Кампири «сити» сўзининг маъносини чақа олмаган бўлса-да, шаҳарга нисба-тан яхши бир таъриф бўлса керак, деган-дек бош силкиб кўйди.

Улар «Марказий» уйингоҳи ёнида ту-шишди. Ва, бироз калованлиб қолишди. Қаёққа юришни ҳам билишмасди.

— Хув анави кўриниб турган катта «дом»да яшайди Анваржон, илгари ҳам шу йўлдан юрганди, — деди Иброҳим ота.

— Унда йўлқалар асфальтланган эди, ҳозир безакли тош ётқизилибди-ку, на-заримда бу эмас, хув анави «дом» бўл-са керак, — дея чолнинг гапига эътироз билдирди кампири.

Чолу кампир излаб-излаб бир «дом» ёнида тўхтади. Шу ердан ўтиб кетаёт-ган йигитчага адашиб қолишганини ай-тишди.

— Анваржонни излаб келгандик, банда ишлайди, буй басти банд, хуш-бичим, чиройли йигит, ҳамма танийди уни, қоқиндик, — деди Норгул момо ўша йигитчага.

— Онанжон, ҳозир ҳамма йигитлар буй-басти, чиройли, лекин сиз айтган Анваржонни мен танимайқор турибман. Мана бу «Асакабанк», йўлнинг нариги томонидаги «Ипотека-банк». Қайсини-да ишлайди ўғлингиз? — деди елка қисиб йигитча.

— У ишлайдиган банк жуда катта, ҳашаматли, юқорисига қарасанг, бо-шингдан дўпнинг тушиб кетади.

— Бизда ҳамма банкар мухташам ва чиройли, — деди соддадил онахонга қулиб йигитча. — Мана бу иморатларни кўринг, бери биридан кўркам. Янги ку-рилган, шу йил қад ростлади. Курантни кўряпсизми, оппоқ мрамардай тлованиб турибди. Қарши курантининг балангли-ги 30 метр, соати онлайн, яъни интернет тармоғига уланган.

— Вой, боласи тушмагур-эй, роса ол-ди-ку! — деди чол кампирига. Бола эса гапиршидан тўхтамасди.

— Энди буюққа қаранг, мана бу «Мар-казий» уйингоҳи, яқинда қайтадан таъ-мирланди. Ичига кирсангиз кўзингиз қувнайди. Бирам мухташам, бирам орастаки, асти кўяверасиз. Бугун Қар-шининг «Насаф» ва Наманганнинг «Нав-бахор» футбол жамоалари уйини бўл-ди. Кейин-чи, шаҳримизда «Асинза-БЗ» масуляти чекланган жамияти томони-дан маданият ва истироҳат боғи бунёд этилди. Бу ерда шаҳар аҳолиси, айниқ-са, болажонлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва мириқиб дам олиши учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

— Бўлмаса набираларимиз Шохжаҳон ва Малика шу боғда роса ҳузур қилиб дам олишаётгандир-да, — деди сабри чи-дамай Норгул момо.

— Набираларингиз, албатта, боради, — гапида давом этди йигитча. — Чунки истироҳат боғига энг замонавий аттрак-ционлар олиб келиб ўрнатилган. Спорт ва болалар майдончалари қурилган. Шаҳримиздаги илгари «Насаф» стади-они ҳудудда барпо этилаётган замона-вий сузиз ҳавзаси ва дам олиш мажму-аси ҳам жуда мухташам-да! Кўрсангиз ақлингиз шошади. Бу мажмуада иккита сузиз ҳавзаси мавжуд. Бу мазкур мав-зеда сув спорти турларини янада ом-малаштириши, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда катта аҳамиятга эга.

— Бўлди-бўлди, ўғлим, ҳаммасини те-левизор орқали кўриб, қувониб юриб-миз, — деди Иброҳим ота бу боладан қандай қутулишни билмай. — Қурилаёт-ган турар жойлар шаҳарда жуда қуяёт-ганини ҳам биламиз.

— Яшанг, отахон, яшанг, — яна йигит-чанинг гап халтаси очилиб кетди. — Мана, биргина мисол, шаҳримиздаги «Жайхўн» кўчасида қурилаётган 5 қаватли замо-навий турар жой бинолари шунақа кўр-камки... Бу кўчада аҳоли учун 25 та ана шундай кўп қаватли уй барпо этилганига нима дейсиз? Ҳудудда давр талаблари асосида фаолият юритадиган ресторан-лар, супермаркетлар, иссиқ нон ва озиқ-овқат дўконлари, кафе ва чойхоналар, гўзаллик салонлари, сартарошон ва ав-томобиллар турадиган жой қурилмоқда.

— Шошма, болам, — деди Иброҳим ота соқолини тутамлаб. — Ўзи сен қаерда ишлайсан, қайси касб эгасинан, намунча чакагинг очиқ бўлмаса?

— Отахон, биласизми, мен сайёҳлик фирмасида ишлайман, тур-операторман, — деди йигитча қувноқ оҳангиде. — Ҳозир сизга айтган гапларимни инглиз тилида хорижлик сайёҳларга гапириб бераман.

— Яхши, болам, соғ бўлган, мана, ўғ-лим Анваржоннинг ўзи ҳам кўнғироқ қи-либ қолди...

Иброҳим ота фарзанди Анваржонни бағрига босар экан, шундай ўғил ўстир-ганидан қувониб кетди. Ахир у мамла-кат иқтисодийотига, мана шу кўркам ва гўзал шаҳарнинг истиқболига хизмат қиляпти-да. Анваржон отаси ва онасини уйига эмас, мажнунтоллар орасида жой-лашган «Мажнунтол» номли чойхонага етаклади. Қарши шаҳрида 38-40 даража иссиқ бўлса-да, бу гўшадаги салқин ва шабада одам юзига урилиб турар экан. Қадрдонлар бир пиёла чой устида яйраб гурунг қилишди.

— Болам, «Мустақиллик» кўчасида-ги кўприк ёнида 5 қаватли бир нечта уй қурилибди, кўриб кўз қувнайди-я, — деди Иброҳим ота.

— Ота, ҳали сиз Қашқадарё кўприги-га боришда чап қўлда қурилган уйлари-ни кўринг, ақлингиз шошади. 5 қаватли бу турар жойларда халқимиз яшайди, ўзи-мининг одамлар учун қуриляпти бу уй-лар. Яқинда Тошкентдан бир курсдошим келган эди. Қаршини кўриб, «оғайни, бу шаҳар билан фархлансангиз арзийди» деди.

— Оғайнинг тўғри айтибди, Қарши шаҳри ҳақиқатда обод, мухташам, гўзал бўлиб кетди, — деди Норгул момо.

Улар анча сўхбатлашиб ўтирдилар. Кўннинг иссиғидан ҳаловат топиб, анча салқинлагач, йўлга чиқиди. «Мустақил-лик» шоҳ кўчаси ёнидаги отилиб тур-ган фавворалар, йўлнинг икки четидаги Қрим қарағайи, каштан ва бошқа дарахт-лар савлат тўкиб турган манзараларга маҳлиё бўлишиб одим ташладилар. Ан-варжон атай йўлни бошқа — Қашқадарё кўприги томонга бурди. Шовуллаб оқа-ётган дарё суви зиллодек соф ва беғу-бор эди. Атрофидаги арчазорлар, гўзал хиёбонлар кишига ўзгача завқ-шавқ ула-шади. Қайқиларда сайр қиляётган одам-ларнинг кайфияти кўтаринки. Буларни кўриб, Иброҳим ота ва Норгул момонинг руҳияти энгил тортиди.

Анваржон отасининг «янгиликлар ҳақида гапир» деган сўровига жавобан сўзлай бошлади:

— Отахон, бу нарсаларга бир эътибор қар-атинг. Қарши шаҳрида электроника маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйи-лади. Бу ерда йилига TCL бренди остида 25 минг дона замонавий телевизор, 15 минг Samsung чангютичи, 100 мингдан ортиқ розетка ва электр узатгич маҳсу-лотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Эҳ, отахон, онажон энди Республика иxtисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 150 ўринли Қарши филиалида йилига 700-800 жарроҳлик амалиёти ўтказили-ши кўзда тутилмоқда. Диабетик нефро-патия, умумий эндокринология ва диа-бетология, қалқонсимон без ва диабетик тўпик жарроҳлиги каби бўлимларни ўз ичига олган марказ энг сўнгги русумда-

ги тиббий ускуналар билан жиҳозлан-моқда. Республика иxtисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиалида клиник-биохимик лаборатория, авто-клав, поликлиника, рентген-эндоваску-ляр жарроҳлик бўлими, аритмология, артериал-гипертензия, юрак ишемик ка-салликлари, реабилитация, кардиожар-роҳлик бўлимлари ташкил этилмоқда. Бу ерда давлатимиз томонидан қан-чадан-қанча қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.


Ота ўғлининг елкасига кафтини бос-ди-да, астагина «биласан, мен бир умр болаларга адабиётдан дарс бердим, ада-биёт жону дилим. Қарши шаҳрида бунёд этилган Абдулла Орипов ҳайкалини бо-риб кўрмоқчиман» деди.

Анваржон машинасида отаси ва она-сини ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби Абдул-ла Орипов ҳайкали ёнига олиб борди. Қариялар ҳайкал пойига гуллар қўйиш-ди. Шоирнинг юксак бадиий, теран фал-сафий мушоҳадага чорловчи шеърла-ри, драматик ва публицистик асарлари, дoston ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Респуб-ликаси Давлат мадҳиясининг муаллифи си-фатида халқимиз қалбига мангу яшайди. Қаҳрамон шоиримизнинг ҳайкали Қар-ши шаҳридаги «Ўзбекистон» кўчасида бунёд этилиб, ёшлар учун фахр ва гуру-р тисоли, маънавий тарбия манбаи бў-либ хизмат қилмоқда. Бу ерда Абдулла Орипов мактаби ҳам фаолиятини бош-лаган.

— Ия, менинг набираларим Абдулла Орипов мактабида таҳсил олишар экан-ку, — дея отахон ўш томон чопиб кела-ётган набираси Шохжаҳонни бағрига босиб. Унинг ортидан синглиси Малика ҳам бобоси ва момоси истиқболига шо-шилари.

Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган мисли қурилмаган ўзгаришлар, обо-донлаштириш ва бунёдкорлик ишлари Юртбошимиз ташаббуси билан ҳаёт-га татбиқ этилаётган «Обод қишлоқ», «Ҳар бир оила — тadbиркор», «Обод маҳалла», «Ёшлар — келажгимиз» давлат дастурлари доирасида амалга ошириляпти. Энг муҳими, бу ишлар офтоби чақнаётган жанубий воҳа — Қашқадарёнинг барча ҳудудларида да-вом этмоқда.

Ҳа, бугун Қарши шаҳрига узоқ-яқин-дан келган ҳар қандай киши борки, гўзал-лик ва ободликни кўриб ҳайратланиши табиий. Айтши ҳозики, бу янгиликлар мустақиллик, эркинлик ва халқимизнинг ўз тараққиёти йўлини ўзи эркин белгила-ётгани тўғрисида юзга келмоқда. Зеро, бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги «Азиз ва яғонамсан, жо-нажон Ўзбекистоним!» деган ғоя асосида



Кенг нишонланади. Ана шу улуг сана ара-фасида ҳар бир ватандошимизнинг кай-фияти юқори, ҳаётини мамнун. Тинч ва оқойишта юрда яшаётгани учун Ярат-ганга шукрона келтириляпти. Ана шу шуқули кунлар ҳар бир юртдошимизга кутлуг бўлсин!

Сайид МЕЙЛИЕВ,  
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

## Ёзёвонда электрон оилавий поликлиника иш бошлади

■ Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Сойбўйи қишлоғида 33-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.


Бу ердаги электрон поликлиника замонавий лаборатория, УЗИ, ЭКГ, терапевт, стоматолог, педиатр, жаррох, умумий амалиёт шифокори хизматлари йўлга қўйилган. Шифо масканида 4 ўринли кундузги стаци-онар ҳам ишлаб турибди.

— Албатта, бу электрон тизим бе-морлар ва тиббиёт ходимлари учун кўплаб қулайликлар яратмоқда, — дейди 33-оилавий поликлиника му-дири Баҳром Мамадонов. — Энди беморларнинг доимий янгилаб ту-риладиган ягона электрон маълумот-лар базаси шакллантирилади, бу эса уларга шифокор қабулига масофадан ёзилиш имконини беради.

Электрон оилавий поликлиника Сойбўйи, Юқори Сойбўйи, Гулистон, Беруний, Тошқовуз ва Иттифок маҳаллаларида истиқомат қилувчи 20 минг 450 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.

Суратларда: Фаргона вилоятининг Ёзёвон тумани Сойбўйи қишлоғида 33-оилавий поликлиникада.

Муқимжон ҚОДИРОВ  
(УЗА) олган суратлар.



## «Ишонч» обод бўлмоқда, аммо...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳу-дудда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Кўп йиллардан бунён маҳалла аҳли тоза ичимлик сувини ташиб ёки сотиб олиб истеъмол қилади.

«Обод қишлоқ» дастурига кўра, маҳалланинг ичимлик суви таъминоти-ни яхшилаш мақсадида ҳудудда 4,2 ки-лометр ичимлик суви тармоғи, 1 дона тик қудуқ, 1 дона сув минораси қуриш учун 620 миллион сўм маблағ сарфлаш режалаштирилган. Бугунги кунга келиб тик қудуқ қазилган ишлари ниҳоясига ет-казилди. 4,2 километр масофага сув тар-моғи учун ариқчалар қазилган ишлари ба-жарилди. Лекин ҳозирча сув қуварлари келтирилганича йўқ.

— Маҳалланинг ичимлик суви билан тўлиқ таъминланиши учун қўшимча яна 1 минг 200 метр ичимлик суви тармоғи тортилиши лозимлиги хусусида туман ҳокимлигига ёзма мурожаат қилганман, — дейди «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Ҳайитов. — Чун-ки маҳалламиз ҳудудда янги қурилган 34 хонадон режага кирмай қолган. Шун-нингдек, бизга тегишли бўлган ҳудуд-дан қўшни маҳаллалар, Гулистон шаҳри, Сайхунобод ва Мирзаобод туманларида истиқомат қилувчи фуқаролар ер учас-таси олган. Ҳозирда 230 хонадон ҳовли жойини битказиб, кўчиб кирган. Ушбу хо-надонларда яшовчи фуқаролар ҳали биз-нинг ҳисобимизга кирмаган бўлса-да, эр-та-индин уларни ҳам ҳисобга киритишга тўғри келади. Негаки, у жой ҳам бизнинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига қа-рашли. У ерда истиқомат қилувчи аҳоли ичимлик суви ва табиий газ билан Гули-стон шаҳрига тегишли тармоқ идоралари

томонидан таъминланган. Кўчаларига шағал, кўча четида лоток ётқизиш иш-лари туман ҳисобидан амалга оширилиши лозим, чунки бу жой бизнинг ҳудудимиз-да. Шу боис ҳам у ердаги кўчаларни таъ-мирлаш ишлари дастурга киритилишини сўраб мурожаат қилган эдим. Ҳозирча кўчаларга шағал ётқизилди, лотоклар эса ҳали олиб келинган йўқ.

Аҳолининг электр энергиясига бўл-ган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақса-дида дастурга кўра маҳаллага 2 та транс-форматор пункти, 221 дона янги бетон симуэатгич устунлар ўрнатилиши, 5,5 километр масофага янги электр тармоғи тортилиши режалаштирилган. Маҳал-лага айна пайтда 130 дона янги бетон симуэатгич устуни ўрнатилиб, 3,58 ки-лометр янги электр тармоғи тортилган.

Дастур доирасида маҳалла хонадон-ларини табиий газ билан тўлиқ таъмин-лаш учун 1,5 километр янги табиий газ тармоғи тортиш, 4,5 километр табиий газ тармоғини реконструкция қилиш режалаштирилган. Айна пайтда 1,1 ки-лометр янги табиий газ тармоғи торти-либ, 2,7 километр тармоқ реконструк-ция қилинди. Бу борадаги ишлар ҳам қизғин давом эттирилмоқда.

Маҳаллада мавжуд 11 ички ва ҳўжа-ликлараро йўлларнинг 15 километрини жорий таъмирлаш режалаштирилган. Шундан 12 километр ички ва ҳўжали-клараро йўл таъмирланган, қолган кўча-ларда иш давом этаётир. Маҳалла фуқ-аролар йиғини биносидан реконструкция ишлари якунланди.

Маҳалладаги 270 ўринга мўлжаллан-ган 25-умумтаълим мактабида «Улуғ-бек» хусусий корхонаси мукамал таъ-мирлаш ишларини олиб бормоқда.

«Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар кишини ку-вонтиради, албатта. Аммо қурилиш-таъ-мирлаш жараёнида шижоат етишмаёт-гани бироз ранжитидади.

«Обод қишлоқ» дастури бўйича «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар кишини ку-вонтиради, албатта. Аммо қурилиш-таъ-мирлаш жараёнида шижоат етишмаёт-гани бироз ранжитидади.

«Обод қишлоқ» дастури бўйича «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар кишини ку-вонтиради, албатта. Аммо қурилиш-таъ-мирлаш жараёнида шижоат етишмаёт-гани бироз ранжитидади.

«Обод қишлоқ» дастури бўйича «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар кишини ку-вонтиради, албатта. Аммо қурилиш-таъ-мирлаш жараёнида шижоат етишмаёт-гани бироз ранжитидади.

«Обод қишлоқ» дастури бўйича «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган ишлар кишини ку-вонтиради, албатта. Аммо қурилиш-таъ-мирлаш жараёнида шижоат етишмаёт-гани бироз ранжитидади.

Қирқш чизиги

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги  
603-сон қарорига 6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РҮЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2003 й., 12-сон, 128-модда).
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган Республика комиссиялари ва кенгашлари раҳбарларининг таркиби тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 60-сон қарорининг 2-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 апрелдаги 181-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 15-сон, 177-модда).
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги 59-сон қарорига 1-илованинг 17-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 6-модда).
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илованинг 31-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда).
6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 31 майдаги 138-сон қарорига 1-илованинг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 31-модда).
7. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қарорига 1-илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2005 й., 45-сон, 341-модда).
8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 28 декабрдаги 336-сон қарорига илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 52-сон, 574-модда).
9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига илованинг 22-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2010 й., 12-сон, 67-модда).
10. Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 29 июлдаги 22-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 67-модда), шунингдек, қарорга илова.
11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2012 йил 23 февралдаги 48-сон қарорига 1-илованинг 13-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 11-модда).
12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли ташкилотлар билан келишиш, шунингдек, қурилиш соҳасида рухсатномалар бериш тартиботларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 4 июндаги 154-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 357-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова.
13. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 18 апрелдаги 97-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 36-модда).
14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2014 йил 25 апрелдаги 104-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 39-модда).
15. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига илованинг 50-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда).
16. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 4 майдаги 138-сон қарорига 1-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 36-модда).
17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 22 декабрдаги 412-сон қарорига 1-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 12-сон, 109-модда).
18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва унинг тизимидаги таркибий бўлинмалар ҳамда республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 1 августдаги 571-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 31-сон, 781-модда).

Қирқш чизиги

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги  
603-сон қарорига 5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан илмий-техник фаолиятини тартибни белгилайди.
2. Жамғарма юридик шахс мақомисиз ташкил этилади. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг (кейинги ўринларда Қурилиш вазирлиги деб аталади) тегишли фазначилик ҳисоб рақамларида жамланади.
3. Жамғарма маблағлари қуйдагилар ҳисобига шакллантирилади:  
қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциялари, қурилишдаги танлов савдолари бўйича, консалтинг марказлари ва Қурилиш вазирлиги давлат унитар корхоналарининг шаҳарсозлик соҳасида амалга оширган фаолияти ва кўрсатадиган хизматларидан олинган даромадларнинг 10 фоизи миқдорда йўналтириладиган ажратмалари;  
шаҳарсозлик соҳасидаги қўнучиликни бузганлик учун солинган жарималардан (суд харажатларидан ташқари) тушадиган маблағлар; лицензия талабдорларининг қурилиш соҳасида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиш юзасидан мурожаатларини қўнучиликда белгиланган тартибда қўриб чиққанлик учун йиғимларнинг бир қисми;  
мулкчилик шаклидан қатъи назар, лойиҳа-қидирув ташкилотлари бажарган лойиҳа-қидирув ишлари ҳажмининг 0,1 фоизи миқдордаги мажбурий ажратмалари;  
халқаро (хорижий) ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва хайрия эҳсонлари;  
қўнучиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.
4. Жамғарма маблағлари қуйдагиларга йўналтирилади:  
қурилиш фаолияти соҳасидаги давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни молиялаштириш;  
қурилиш материаллари ва конструкцияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлаб чиқариш, қурилиш ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ва бошқариш, қурилиш фаолияти иштирокчилари меҳнати самарадорлигини ошириш бўйича нархни белгилаш ва иқтисодий механизмни такомиллаштириш, ушбу фаолиятнинг автоматлашган тизимини яратиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш;  
давлат илмий ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг шаҳарсозлик меъёрлари ва қурилиш фаолиятига доир қоидалари бўйича ишланмаларини молиялаштириш;  
илмий ва лойиҳа ташкилотларининг республикада илмий-тадқиқот натижалари илк бор текшириладиган (ишланмадан) тажриба объектиларини илмий лойиҳалаш ва қуришга илмий ҳамроҳлик қилишга доир қўшимча сарф-харажатларини қоплаш;  
шаҳарсозлик фаолияти соҳасида илмий-техник ва илмий-услубий адабиётлари (жумладан, даврий нашрларни) тайёрлаш ва чоп этиш, ушбу фаолиятнинг илмий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ташкиллаштириш;  
илмий-техник симпозиум, анжуман, семинар-тренинг, кўрсатмалар, давра сўхбатлари, амалий машғулотлар, маҳорат дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш, шаҳарсозлик фаолиятига илмий-техник ютуқларни жорий этиш ва уларни тарғиб этиш мақсадида илмий, меъёрий, услубий, техник, технологик ҳужжатлар ва бошқа илмий-техник ахборот манбаларини харид қилиш;  
Қурилиш вазирлигининг қўшимча ва устама ҳақ, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;  
Қурилиш вазирлигига юкланган вазифаларни бажариш учун шартнома асосида консалтинг ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан мутахассисларни, жумладан, хорижий маслаҳатчиларни Қурилиш вазирлигига жалб қилиш;  
Қурилиш вазирлигига қарашли бино ва иншоотларни қуриш ва таъмирлаш коммунал-фойдаланиш харажатларини қоплаш, шунингдек, уларни зарур ускуналар, мебель, алоқа воситалари, компьютерлар, оргтехника билан таъминлаш;  
Қурилиш вазирлиги ходимларининг мамлакат ичида ва хорижда хизмат сафарларига чиқishi билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини тўлаш;  
Қурилиш вазирлиги тузилмасига кирувчи ташкилотларни қўшимча ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш;  
илгор ўқитиш шакли ва услублари, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;  
тармоқ ходимлари малакасини ошириш ва илгор хорижий тажрибани ўрганишни ташкил қилиш;  
Қурилиш вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар.
5. Мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган мажбурий ажратмалар, бадаллар ва маблағлар ташкилотлар томонидан ҳар чорада ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кейинмай Жамғармага йўналтирилади.
6. Жамғармага мажбурий тўловларни ўз вақтида йўналтириш бўйича шахсий жавобгарлик тегишли ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юкланади.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Қурилиш вазирлигига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1-санаси ҳолатига қўра, Жамғарма ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, ташкилотлар бўйича ёзилган мажбурий тўлов ажратмалари миқдори ҳамда мазкур тўлов ажратмалари бўйича қарадорлик тўғрисидаги тезкор маълумотларни ва ҳар чорада ҳисобот давридан сўнг 10 кун муддат ичида, грант маблағлари ва хайрия эҳсонлари бўйича маълумотларни ҳисобот йилидан кейин тақдим этади.
- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Давлат солиқ қўмитасидан Жамғармага мажбурий ажратмалардан тушумлар тўғрисида қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақли.

**3-БОБ. ЖАМҒАРМАНИ БОШҚАРИШ**

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс Жамғарма маблағларининг тасарруфчиси ҳисобланади.
9. Жамғарма маблағларини сарфлаш Қурилиш вазирлиги фазначилиги ҳисоб рақамига келиб тушган кирим маблағлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган даромадлар ва харажатлар бўйича тасдиқланган сметага мувофиқ амалга оширилади.

Қирқш чизиги

Қирқш чизиги

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги  
603-сон қарорига 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобдорлиги тартибини, шунингдек, унинг раҳбариятининг функционал мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.
2. Вазирлик Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.
3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунди.
4. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.
5. Вазирлиكنинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.
6. Вазирлик, ҳудудий бўлинмалар ва унинг тузилмасига кирадиган ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, фазначилик шахсий ҳазна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисоб рақамларга эга бўлади.
7. Вазирлиكنинг расмий номи:  
а) давлат тилида:  
тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, қисқартирилган номи – Қурилиш вазирлиги;  
б) рус тилида:  
тўлиқ номи – Министерство строительства Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Минстрой;  
в) инглиз тилида:  
тўлиқ номи – Ministry of Construction of Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Ministry of Construction.
8. Вазирлиكنинг жойлашган жойи (почта манзили) Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.

**2-БОБ. ВАЗИРЛИКНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

9. Вазирлик тизимига қуйдагилар киреди:  
марказий аппарат;  
Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари;  
қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекциялари;  
«Шаҳарсозлик ҳўжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонаси;  
Қурилишда стандартлаштириш республика маркази;  
Тошкент архитектура-қурилиш институти;  
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти;  
архитектура-қурилиш иختисослигига касб-ҳўнар коллежлари;  
танлов савдоларини ташкил этиш бўйича консалтинг марказлари.

**3-БОБ. ВАЗИРЛИКНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

- 1-5. Вазирлиكنинг вазифалари ва функциялари
10. Қуйдагилар Вазирлиكنинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона давлат илмий-техника сиёсатини олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия жиҳатидан самарали ва энергияни тежайдиган инновацион лойиҳаларни ва ечимларни қурилиш фаолиятига жорий этиш;  
республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳўжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш;  
шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;  
лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий тармоқларини кенгайтириш, яқка тартибдаги, намунавий, тақдоран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шаҳарсозлик ҳўжатларини экспертиза қилиш;  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳўқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш норма ва қоидалари ишлаб чиқишлишини мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш;  
архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга, иختисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилашга, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элданги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмаклашиш.
11. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйдаги функцияларни амалга оширади:  
а) шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона давлат илмий-техника сиёсатини олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия жиҳатидан самарали ва энергияни тежайдиган инновацион лойиҳалар ва ечимларни қурилиш фаолиятига жорий этиш соҳасида:

Қирқш чизиги

- қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда шаҳарсозлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;  
қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш чораларини кўради;  
лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартлари бажарилиши тўғрисидаги ахборот билан тўлдириб бориладиган марказлаштирилган маълумотлар базасини ташкил этади;  
д) шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳўқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, идоравий қурилиш норма ва қоидалари ишлаб чиқишлишини мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш соҳасида:  
ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар лойиҳалари ишлаб чиқишлишини ташкил этади;  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ишлаб чиқишлиши ва тасдиқланишини таъминлайди, шунингдек, белгиланган тартибда уларни ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи бўлади;  
қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини, шунингдек, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантиради;  
капитал қурилиш соҳасидаги норматив база бозор муносабатларини жорий этишни назарда тутувчи халқаро стандартларга мувофиқ қайта қўриб чиқишлишини тизимли равишда ташкил этади;  
қурилиш, қурилиш индустрияси, жумладан, лойиҳалаштириш ва конструкторлик соҳасида стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни амалга оширади;  
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатларнинг давлат фондсини шакллантиришда иштирок этади;  
шаҳарсозлик фаолиятида махсуслотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ишлар бажарилишини таъминлайди;  
шаҳарсозлик тизимини, шунингдек, қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда қурилиш материалларини олиб келиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишда мувофиқлини баҳолаш соҳасида давлат томонидан тартибга солишни амалга оширади;  
ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади, шунингдек, мазкур регламентларни бекор қилади;  
«Ўзбекистон материаллари» АЖ фаолиятини маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, маҳаллий рақобатбардор, экспортга йўналтирилган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, сифатли қурилиш материалларининг янги турларига бўлган ички талабни қондириш бўйича дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юзасидан мувофиқлаштиради;  
е) архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга, иختисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилашга, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элданги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмаклашиш соҳасида;  
архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга тизимли асосда қўмаклашишни таъминлайди;  
иختисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳўнар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, ўқув жараёнида амалий машғулотларни ташкил этиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;  
мутахассис кадрларни тайёрлашда шаҳарсозлик фаолиятини ривожлантириш тенденциялари ва хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда ўқув-методик ҳўжатлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатади, шунингдек, малака талабларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади;  
юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришда, ўқув жараёнига шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги етакчи хорижий мутахассислар ва экспертларни жалб этишда, замонавий техника ва технологияларни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли малака ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда бевосита иштирок этади;  
белгиланган тартибда ваколатли органга иختисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳўнар коллежларига талабалар қабул қилиш квоталари бўйича таклифлар киритади. Бунда қурилиш соҳасида мутахассисларга бўлган талабни ўрганади, шунингдек, янги замонавий мутахассисликлар бўйича таклифлар киритади;  
Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан рағбатлантириладиган иختисослаштирилган олий таълим муассасаларининг иқтидорини талабалари ва касб-ҳўнар коллежлари ўқувчилари жумласидан бўлган Вазирлик стипендиатларини аниқлайди;  
касб-ҳўнар коллежлари ўқувчилари ўртасида қурувчилик касблари бўйича республика миқёсида касб маҳорати кўрик-танловларини, миллий архитектура лойиҳалари муаллифлари танловларини ташкил қилади ва ғолибларни тақдирлайди;  
талабаларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида қурилиш объектиларида кўчма дарслар ташкил этади;  
амалиёт дарслари самарадорлигини ошириш чораларини кўради, иختисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳўнар коллежлари битирувчи босқич талабаларини ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун лойиҳалаштириш институтлари ва қурилиш ташкилотларига тақсимлашга қўмаклашади, уларга тажрибали мутахассисларга бириктиради;  
иختисослаштирилган олий таълим муассасалари ва касб-ҳўнар коллежларида етакчи лойиҳа ташкилотлари, йирик қурилиш ташкилотларининг тажрибали мутахассислари маърузаларини ташкил этади;  
қурилиш соҳасидаги лойиҳачилар ва мутахассисларнинг малакасини оширади ва уларни, шу жумладан, хориждаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида қайта тайёрлашни ташкил этади;  
иختисослаштирилган таълим муассасаларида яқуний давлат аттестациясида иштирок этади, таълим муассасалари учун касбий амалий имтиҳонларни замонавий қурилиш-пудрат ташкилотлари базасида ўтказишга қўмаклашади;  
қурилиш соҳасидаги ваколатли органга иختисослаштирилган доимий асосда малакасини оширади ва уларни тайёрлашни ташкил этади. Вазирлик қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.
12. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, унинг тизимига кирадиган таркибий ва ҳудудий бўлинмалар орқали ҳал этади.

**2-5. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари**

13. Қуйдагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
Вазирлиكنинг ҳудудий бўлинмалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажарилишини таъминлаш;  
архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

Қирқш чизиги



Қирқш чизиги

**7-боб. Вазирликнинг Худудий қурилиш назорат инспекцияси билан ҳамкорлик қилиш тартиби**

19. Вазирлик Худудий қурилиш назорат инспекцияси билан ҳамкорликда:  
Худудий қурилиш назорат инспекциясига топшириқларни етказди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;  
Худудий қурилиш назорат инспекциясига бевосита унинг фаолиятига доир масалалар бўйича сўровлар юборади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси амалий фаолиятини текширади, ўрганади ва умумлаштиради, унинг фаолиятини тақомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти ташкил этилиши ва натижалари ҳақидаги ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил қилади;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси иш режаларини таҳлил қилади, унинг фаолиятини тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;  
Худудий қурилиш назорат инспекциясидан келиб тушган тақлифларни кўриб чиқади;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси вакилларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни жараёнда иштирок этишларини ташкил қилади, инспекциянинг қонунчилигини тақомиллаштиришга доир тақлифларини кўриб чиқади.  
20. Худудий қурилиш назорат инспекцияси Вазирлик билан ҳамкорликда, жумладан:  
Вазирлик раҳбарияти топшириғи ижроси ҳақида ҳисоб беради;  
фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонунларни амалга ошириш натижалари ҳақида ахборот тақдим этади;  
фаолияти ўрганилиши жараёнда аниқланган камчиликлар ва қонунбузарликларни бартараф этиш натижалари ҳақида ахборот беради;  
Вазирликка белгиланган тартибда ўз иши натижалари ҳақида ҳисоботлар тақдим этади;  
Вазирликка худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини, жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган тақлифларни йўллайди;  
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича секторлар билан ҳамкорлик натижалари ҳақида ахборот беради;  
вакиллик органлар томонидан ўтказилган ўз фаолияти текшируви натижалари ҳақида ахборот беради.  
21. Вазирликнинг Худудий қурилиш назорат инспекцияси билан ҳамкорлиги жараёнда пайдо бўладиган келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири топшириғига биноан вазир ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Қайд этилган кўриб чиқишдан кейин ҳам келишмовчиликлар бартараф этилмаса, улар бўйича қарор бевосита Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири томонидан қабул қилинади.

**8-боб. Худудий қурилиш назорат инспекциясининг бошқа давлат ва ҳўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби**

22. Худудий қурилиш назорат инспекцияси ўз ваколати доирасида давлат ва ҳўжалик органларининг худудий бўлиналари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси тегишли худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва жорий этишда секторлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

**9-боб. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда ишчи индикаторлари**

23. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти самарадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.  
24. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири тасдиқлаган баҳолаш мезонлари ҳамда Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлари асосида амалга оширилади.  
25. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш натижаларига биноан куйидаги чоралар кўрилади:  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (муқофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий чоралар кўриш;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада тақомиллаштириш.

**10-боб. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш**

26. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти куйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:  
а) Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш дастурларига киритилган объектлар бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан (кўшимча қиймат солиғисиз) куйидаги миқдордаги ажратмалар:  
0,5 фоиз миқдорда – янги қурилиш ва реконструкция қилиш объекти бўйича;  
0,3 фоиз миқдорда – Ўзбекистон Республикаси давлат дастурига киритилган капитал таъмирлаш объекти бўйича;  
б) бошқа объектлар бўйича – лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан келиб чиққан ҳолда:  
0,01 фоиз миқдорда – мураккабликнинг I тоифасидаги объектлар бўйича;  
0,02 фоиз миқдорда – мураккабликнинг II тоифасидаги объектлар бўйича;  
0,03 фоиз миқдорда – мураккабликнинг III тоифасидаги объектлар бўйича;  
в) мавжуд бинолар ва иншоотларни тиклаш ёки реконструкция қилиш юзасидан уларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича шартнома асосида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, лаборатория хизматлари ва қонун ҳужжатларида таққинланган хизматларнинг бошқа турларини кўрсатишдан олинган даромадлар.  
27. Мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича бажарилётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг, шунингдек, лаборатория хизматлари ва Худудий инспекция томонидан кўрсатилаётган хизматлар бошқа турларининг қийматини аниқлаш методикаси Вазирлик томонидан тасдиқланади.  
28. Худудий қурилиш назорат инспекцияси ходимлари иш ҳақи лавозим маоши, муқофотлар, қўшимча ҳақлар, устама ҳақлар ва қонунда кўзда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

**11-боб. Худудий қурилиш назорат инспекциясининг Вазирлик олдига ҳисобот бериши**

29. Худудий қурилиш назорат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирига ўз фаолияти юзасидан мунтазам ҳисобот беради.  
30. Вазир ўринбосари – қурилиш соҳасида назорат Инспекцияси бошлиғи Худудий қурилиш назорат инспекцияси бошлиғи ва ўринбосарлари фаолиятини уларга юқланган вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторингини амалга оширади. Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолияти самарадорлигига объектив баҳо беради.

**12-боб. Яқунловчи қонда**

31. Худудий қурилиш назорат инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қирқш чизиги

авария ҳолатидаги бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари ва конструктив элементларини ва аварияга олиб келган сабабларни текшириш бўйича техник комиссияларда иштирок этади;  
мавжуд бинолар ва иншоотларни қайта тиклаш ёки реконструкция қилиниши мақсадга мувофиқлиги бўйича ва таъриба-қурилиш синов лаборатория ишларини шартнома асосида техник текширувини ўтказиши ва тегишли ҳулоса беради;  
қурилиш маълумоти сифатини таъминлаш, шаҳарсозлик қонунчилиги талабларига бўйсуниш юзасидан давлат, бошқа ваколатли органлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва нодавлат нотижадор ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;  
техник тартибга солиш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиш бўйича қурилиш соҳасида меъёрий ҳужжатлар талабларини бузган айрим фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини ва архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланётган ташкилотлар ва корхоналарнинг лицензиялари амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш ҳақида Вазирликка тақлиф киритади;  
шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақида белгиланган тартибда баённомалар тузади;  
қурилиш ишларида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши аҳоли соғлиғи ва ҳаётига зарар етказганда ёки оғир оқибатларга олиб келганда ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларга, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда чоралар кўриш юзасидан хабар беради;  
назорат натижаларини таҳлил қилади, халқаро таърибаларни ўрганади, меъёрий талабларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар, қурилиш сифатини яхшилаш ҳамда қурилиш материалларидан оқилона фойдаланиш юзасидан методик ҳужжатлар тайёрлайди;  
ҳар чоракда Вазирликнинг Қурилиш соҳасидаги назорат инспекциясига (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот беради;  
аҳолини Худудий инспекция фаолияти ҳақида хабардор қилиш ишларини тизимли асосда олиб боради, қонунчиликда белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг Худудий қурилиш назорат инспекцияси ваколати доирасидаги муносабатларини қабул қилиш ва зарур чоралар кўриш ишларини ташкил қилади;  
юримдик ва жисмоний шахсларни қабул қилади, юридик ва жисмоний шахслар муносабатлари билан ишлаш ҳолатини таҳлил қилади;  
зиммасига юқланган вазифалар доирасида йиллик, чораклик ва ойлик иш режалари, шунингдек, аниқ фаолият юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Инспекция билан келишиб олади;  
Вазирлик ҳайъати йиғилишлари ва илмий-техник кенашлари фаолиятларининг режаларини тайёрлашда иштирок этади;  
аҳолига назорат фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва аниқ натижалари ҳақида ахборот бериш учун оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси қонунчиликда кўзда тутилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

**3-боб. Худудий қурилиш назорат инспекциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Худудий қурилиш назорат инспекцияси узишга юқланган асосий вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:  
давлат ва ҳўжалик бошқарувининг худудий бўлиналарида, давлат ҳўкимияти органларидан ўз ваколати доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;  
давлат ва ҳўжалик бошқарувининг худудий бўлиналарида, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига Худудий қурилиш назорат инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан тақлифлар киритиш;  
қонийлаштириш манбаларидан қатъи назар қурилиш объектига, субъектнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, ҳеч қандай тўсиқсиз кириш ҳамда рўқсат ҳужжатлари мавжудлиги ва шаҳарсозлик меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш;  
текшириш жараёнда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;  
Худудий қурилиш назорат инспекциясида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган объектларни ҳеч қандай тўсиқсиз бориб кўриш ва назорат функцияларини амалга ошириш;  
фойдаланилаётган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технология ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўраш ва олиш;  
пудратчи ташкилотларга конструкцияларнинг алоҳида деталларини очиш, пойдевордаги ва қайта тўлдириладиган тўпроқни текшириш ишларини топшириш, зарурат бўлганда, тегишли ҳулоса тайёрлаш учун илмий-тадқиқот ташкилотларидан эксперт-мутахассисларни жалб қилиш;  
шаҳарсозлик соҳасидаги қонунлар талабларини бузаётган (буйруқлар билан тайинланган) мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида тақдирномалар киритиш;  
қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа бўйича тўлиқ бажарилганлиги, қурилиш объектларининг техник ҳолати ҳақида эксперт ҳулосалари бериш;  
статистика органларига фойдаланиш учун қабул қилиш қоидалари бузилган ҳолда топширилган қуриб битказилган объектларни ҳисобдан чиқариш ҳақида тақдирнома киритиш;  
худудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишохотларини амалга ошириш масалаларига оид йилгилишларда белгиланган тартибда иштирок этиш;  
Инспекция топшириғига биноан архитектура ва қурилиш масалалари бўйича мажлислар ва семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;  
Худудий қурилиш назорат инспекциясининг моддий-техника базасини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, Худудий қурилиш назорат инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича даъвогар ва жавобгар бўлиш;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Худудий қурилиш назорат инспекцияси куйидагилар учун жавоб беради:  
ўзига юқланган вазифа ва функцияларни тегишли ҳамда самарали бажариш;  
шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш-монтаж ишлари сифатини лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ равишда таъминлаганликларини зарур даражада назорат қилиш;  
қурилиш объектида ишлатилаётган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини зарур даражада назорат қилиш;  
қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари, ишлаб чиқарувчилар томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилганлигини зарур даражада назорат қилиш;  
Худудий қурилиш назорат инспекцияси фаолиятига оид прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа мезморчилик ҳамда қурилиш соҳасини ривожлантиришга, муаммолари масалаларни ҳал қилишга оид дастурий ҳужжатларини самарали амалга ошириш;  
фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қурилиш соҳасида ҳуқуқий ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини ва ҳимоясини таъминлаш;

Қирқш чизиги

Бўкиш чизиги

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар худудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш;  
ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ҳужжатлари ва шаҳарсозлик кадастрининг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш;  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича тақлифларни тайёрлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;  
тегишли худудларда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ва муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари бўйича маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига тақлифлар киритиш;  
шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш, юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этиш;  
Бозор ишловчи жараёнларни чуқурлаштириш, ҳамма жойда рақобатли нарх белгилаш механизмларини татбиқ этиш;  
лоийҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат мўҳитини янада шакллантиришга кўмаклашиш;  
шаҳарсозлик, ишчи ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назорат қилиш, давлат харидларини ташкил қилиш ва ўтказиш;  
архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва мутахассисларнинг малакасини доимий асосда ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил қилиш;  
тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳўкимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошқарадиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш;  
архитектура ва қурилиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, минтақадаги қурилиш ташкилотларини юқори малакали курувчилар, лойиҳачилар ва бошқа мутахассислар билан таъминлашни ташкил қилишда иштирок этиш.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига юқланган асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:  
аҳоли пунктларининг бош режаларига асосан комплекс қурилиш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартлари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишини таъминлайди;  
қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади ва йўл қўйилган қоида бузилишларида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун материалларни судга беради;  
инсон соғлиғи ва ҳаётига зийн етказилишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган қурилиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда, ҳуқуқни муҳофаз қилиш органларига тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабар беради;  
шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда давлат стандартлари бузилганлиги аниқланган ҳолатларда қонун бузилишларини бартараф этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;  
қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади;  
шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб боради;  
худудлар ривожланишини режалаштириш ва қуриш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда бюуротмачи функциясини бажаради;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) худудини режалаштириш схемаларини, туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳаларини, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятта молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланишини ташкил этади;  
умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятта молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегаралар белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига тақлифлар киритади;  
бош режаларда ва батафсил режалаштириш лойиҳаларида назарда тутилмаган объектлар жойлаштирилишини шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқарувчилар (муаллифлар) билан келишди;  
тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолияти объектлари, бино-иншоотлар, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектлари қурилишини ёки реконструкциясини, шунингдек, худудларни ободонлаштиришни лойиҳалаштириш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини (АРТ-1 ва АРТ-2) ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва қурувчи – шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги бюуротмачиларга тақдим этади;  
шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;  
давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишида иштирок этади;  
ер ажратиш ва иморат қуришга оид, шунингдек, ер ости муҳандислик коммуникациялари жойлаштириш навбатчи режаларини юри-

тади;  
ер участкаларини ажратиш, лойиҳа-режалаштириш ҳужжатларини сақлашга доир ягона техник архивни ташкил этади;  
шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлашда қатнашади;  
худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;  
ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича худудий мақсадли дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлиmlларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;  
аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;  
тегишли худудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;  
Вазирлик билан келишган ҳолда қурилиш қоидаларини ишлаб чиқади;  
шаҳарсозлик фаолияти, инвестиция жараёнини бошқариш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини тақомиллаштириш, янги техника ва қурилиш-монтаж ишларига замонавий технологияларни қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда тегишли худуддаги корхона ва ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатади, хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

Қирқш чизиги

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**4-5. Туман (шаҳар) қурилиш бўлиmlларининг вазифалари ва функциялари**

17. Қуйидагилар туман (шаҳар) қурилиш бўлиmlларининг асосий вазифалари ҳисобланади;  
тегишли туманда (шаҳарда) Вазирлик зиммасига юқланган вазифалар ва функцияларини самарали бажариш;  
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш секторлари билан ҳамкорлик қилиш;  
шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилишда иштирок этиш;  
туман худудини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини ташкил этиш;  
ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш мониторингини олиб бориш;  
шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;  
маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш, шунингдек, тегишли худудда муҳандислик, транспорт оид ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан тақлифлар киритиш;  
шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимлари ва қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновация лойиҳаларини татбиқ этишда иштирок этиш;  
лоийҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат мўҳитини шакллантириш бўйича тақлифлар киритиш;  
туманда (шаҳарда) архитектура ва қурилиш ривожлантириш ҳолати мониторингини олиб бориш, туманда (шаҳарда) уларни янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантириш.

18. Туман (шаҳар) қурилиш бўлиmlлари уларга юқланган асосий вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:  
туман (шаҳар)даги архитектура ва қурилиш соҳасидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштиради;  
туманда (шаҳарда) архитектура ва қурилишнинг ривожланиш ҳолати мониторингини олиб боради, туманда (шаҳарда) уларни янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантиради;  
аҳоли пунктларининг бош режаларига асосан комплекс қурилиш, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишида иштирок этиш;  
қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жазо чораларини кўриш учун материалларни маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига беради;  
шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради;  
аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш бўйича тақлифлар киритади;  
бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга оширишда иштирок этиш;  
тегишли худудларда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ва муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларини, маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига тақлифларни киритади;  
шаҳарсозлик ҳужжатларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб боради;  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларида давлат шаҳарсозлик кадастри маълумотларини киритади;  
ер ажратиш ва шаҳарсозлик объектларини қуришга оид, шунингдек, ер ости муҳандислик коммуникациялари жойлаштириш навбатчи режаларини юридади;  
худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармоқ ва худудий дастурларини тайёрлашда иштирок этади;  
ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича худудий дастурлар, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлиmlларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;  
тегишли худудни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бошлангич маълумотларни жамлашда кўмаклашди ва бевосита иштирок этади;  
аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;  
ташдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида туман (шаҳар) худудида ерлардан самарали фойдаланиш юзасидан маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига тақлифлар киритади;  
юқори самарали ва энергияни тежайдиган лойиҳа ечимларини, қурилиш материалларини, замонавий қурилиш технологиялари ва инновацион лойиҳаларини татбиқ этишда иштирок этади;  
тегишли худуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;  
лоийҳалаштири




















Дунё аҳлини лол қолдираётган  
обод юртимиз бундан-да чирой очиб,  
унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!

*Мамлакатимиз қурилиш соҳасида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимларни касб байрамлари билан чин дилдан табриклаймиз. Озод ва обод юртимизнинг равнақи йўлида қилинаётган меҳнатлар асло бесамар эмас, бу барчамизнинг қалбимиздаги орзу-истаклар рўёбига элтувчи ягона йўлдир. Бу йўлда барчангизга куч-қувват ва омад тилаймиз.*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ



## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ХУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

*жаннатмонанд диёримизнинг ободлиги йўлида меҳнат қилаётган бунёдкорларимизни, архитектура-қурилиш соҳасининг барча вакилларини касб байрамлари билан табриклайди. Дунё аҳлини лол қолдираётган обод юртимиз бундан-да чирой очиб, унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!*

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!**

# 16 ҚУТЛОВЛАР

Ушбу айём барчамизнинг хонадонимизга файзу барака, қалбларимизга қувонч ва шодлик олиб келсин.



## «O'ZAGROSANOATLOIHA»

масъулияти чекланган жамияти  
жамоаси

жонажон Ватанимиз ободлиги,  
гуллаб-яшнаши, шунингдек меҳнатсевар,  
меҳмондўст халқимизнинг турмуш  
фаровонлигини янада яхшилаш йўлида  
ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган барча  
бунёдкорлар, лойиҳачи ва меъморларни  
касб байрамлари билан самимий қутлайди.

Байрамингиз муборак, азиз дўстлар!



## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги «ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУҚ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси  
ходимлари кун муносабати билан барча қурувчиларни,  
лойиҳачи ва меъморларни муборакбод этади.  
Ушбу айём барчамизнинг хонадонимизга  
файзу барака, қалбларимизга қувонч ва  
шодлик олиб келсин! Гўзал ва бетакрор Ватанимиз  
ҳамиша тинч, меҳнатсевар ва меҳмондўст  
халқимиз омон бўлсин!



АЙЁМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ  
БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ  
ЖАМОАЛАРИ



мамлакатимизда  
олиб борилаётган улкан  
бунёдкорлик ишларида  
ўзларининг муносиб  
ҳиссаларини қўшиб келаётган  
қурувчиларимизни  
Ўзбекистон Республикаси  
қурилиш соҳаси ходимлари кун  
билан самимий муборакбод этади.  
Сизларга мустаҳкам соғлиқ,  
ошлавий хотиржамлик,  
Ватанимиз тараққиёти йўлида  
амалга ошираётган ишларингизда  
муваффақиятлар тилаймиз.



### Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

Центральный банк Республики Узбекистан установил с 7 августа 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей \*)

- 1 доллар США – 7783,05
- 1 евро – 9002,65
- 1 российский рубль – 122,96
- 1 фунт стерлингов – 10121,86
- 1 южнокорейская вона – 6,93
- 1 японская йена – 69,96
- 1 малайзийский ринггит – 1907,61
- 1 китайский юань – 1139,39
- 1 швейцарский франк – 7829,24
- 1 дирхам ОАЭ – 2119,11
- 1 египетский фунт – 436,27
- 1 австралийский доллар – 5758,68
- 1 турецкая лира – 1531,95
- 1 сингапурский доллар – 5696,44
- 1 СДР – 10868,63
- 1 канадский доллар – 5992,49
- 1 украинская гривна – 287,52
- 1 польский злотый – 2112,61
- 1 кувейтский динар – 25725,69

\*) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.



Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»  
Наشريёт уйи МЧЖ  
Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир ҳайъати:  
Ботир Закиров (Тахрир ҳайъати раиси),  
Шўхратходжа Хашимов, Козим Туляганов,  
Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрулов,  
Бўрибой Бекмурзаев, Фолибжон Маджидов,  
Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Тахририят:  
Бош муҳаррир  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Саҳифаловчи  
Мўсаҳиҳ  
Дилшод Жалолов  
Абдуҷумталиб Ўқтамов  
Усмон Муродов  
Дилфуза Хабибова

Тахририят ҳамкорлари:  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,  
«Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзАШКЛИТИ» ДУҚ,  
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУҚ, «ЎзгеорангметЛИТИ»  
ДУҚ, «Қишлоқ қурилиш инвент» ИК МЧЖ, қурилиш-  
лойиҳалаш институтлари

Тахририят манзили:  
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.  
Телефонлар: (қабулхона) 244-21-71 (қотибият) 244-05-15  
(факс) 244-15-13 (бухгалтерия) 244-22-10,  
(реклама ва омма бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).  
E-mail: uezbyudkor@gmail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:  
Андижон, Наманган ва  
Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.  
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.  
Қорақалпоғистон Республикаси ва  
Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.  
Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466. Бўжуртма – Г-807.  
2262 нусхада босилди. Қозғоқ бичими А-2.  
Ҳажми – 8 табоқ, офсет усулида босилган.  
Баҳори келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди  
ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ва савҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Навбатчи муҳаррир – А. Уқтамов  
Навбатчи – Б. Ғулломов  
Ўза якуни – 22.00. Топширилди – 01.00.